

«Иймон» китоби қорақалпоқ тилига таржима қилинди



16:12 / 30.07.2019 2135

Маълумки, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳнинг китоблари ҳаётлик чоғларидаёқ бошқа тилларга таржима қилина бошланган эди. Бу хайрли иш ҳамон давом этмоқда. Шундай таржималардан бири «Иймон» китобининг қорақалпоқ тилига таржимаси бўлди.

Ушбу китоб Шайх ҳазратларининг дастлабки китобларидан бири бўлиб, 1991 йилда илк бор нашр этилган эди. Кейинчалик китоб қайта-қайта нашр этилди. Айти кунларда унинг қорақалпоқ тилига таржимаси чоп этилмоқда. Шунини ҳам эслатиб ўтиш жоизки, ушбу китоб муаллифнинг ҳаётлик чоғида рус тилига таржима қилиниб, чоп этилган.

Китобнинг қорақалпоқ тилидаги таржимаси эса, тез орада сотувга чиқарилиши кутилмоқда.

Китоб сотувга қўйилгач Ўзбекистон бўйлаб барча филиалларидан ва интернет орқали kitoblardunyosi.uz сайтидан онлайн тарзда харид қилишингиз мумкин.

Китобларга олдиндан буюртма бериш имконияти мавжуд эмас.

Islom.uz портали